

"ТАСДИКЛАЙМАН"



Хива «Муруват» ногиронлар
учун эркаклар интернат уйи
Ш. Абдимуротов

2022 йил

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИКНОМА

I УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	
1.1	Ушбу харид ҳужжатлари "Давлат харидлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни № 684 (кейинги ўринларда қонун) талабларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги ПК-3550-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. "Лойихалашдан олдин лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва шартномаларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" (кейинги ўринларда қарор).
1.2	Харид предмети:
1.3	Товарлар (иш, хизматлар) чегаравий қиймати ва валюта талаби ушбу харид ҳужжатларининг нарх қисмида кўрсатилган. Тижорат таклифда кўрсатилган нархлар чегара нархидан ошмаслиги керак.
1.4	Техник топшириқлар ушбу харид ҳужжатининг техник қисмида келтирилган.
1.5	Харид комиссияси йиғилиш шакли - юзма юз тарзда (очная).
2. ДАВЛАТ БУЮРТМАЧИСИ (КОРПОРАТИВ БУЮРТМАЧИ)	
2.1	Хива «Муруват» ногиронлар учун эркаклар интернат уйи (кейинги ўринларда "Буюртмачи") харидлар буюртмачиси ҳисобланади. Буюртмачи манзили: Хоразм вилояти, Хива тумани, Поласултон маҳалласи, Шодиёна кўчаси 25-уй Банк реквизитлари: 1) Банк номи Марказий банк Тошкент шаҳри МФО: 00014, ШХР: 100021860332267101204344001 СТИР: 201987332
2.2	Давлат буюртмачисининг иштирокчилар билан боғланиш учун алоқа боғловчи шахслар: 1) Ф.И.Ш.: Худайберганов Дилшод Уринович - Лавозими: Бош ҳисобчи Телефон рақами: +998 99 560 08 81
2.3	харидларни танлаш буюртмачи ходимлари орасидан камида беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилган харид комиссияси орқали амалга оширилади. харид комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради: харид қилиш ҳужжатларини келишиди; таклифлар қабул қилиш муддатларини белгилайди.

	<p>зарур булганда таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;</p> <p>дастлабки малака танловини утказади, агар харид килиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган булса;</p> <p>зарур булганда дастлабки малака танлови натижаларини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилади;</p> <p>зарур булганда баҳ, олаш гуруҳини ташкил этиш тугрисида қарор қабул қилади; харид килиш тартиб-таомилларини ушбу қонунга мувофиқ амалга оширади; харид килиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ҳолибини ва зарур булганда захирадаги ҳолибини белгилайди ёки савдон амалга ошмаган деб топади.</p> <p>Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар учун жавобгар бўлмайди.</p> <p>Харид комиссияси томонидан уз ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлар давлат буюртмачиси ва харид килиш тартиб-таомиллари иштирокчилари учун мажбурийдир.</p>
2.4	Шартнома эгаси: Хива "Мурувват" ногиронлар учун эркаклар интернат уйи
<p>3. ХАРИД ҚИЛИШ ТАРТИБ ТАОМИЛЛАРИ ИШТИРОКЧИСИ</p>	
3.1	<p>Харид килиш тартиб-таомиллари иштирокчиси (бундан бўён матнда иштирокчи деб юритилади) харид килиш тартиб-таомилида давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида иштирок этаётган, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти булган жисмоний ёки юридик шахсдир.</p> <p>Иштирокчи:</p> <p>давлат харидлари тугрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;</p> <p>харид килиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ булган таклифлар ва ҳужжатларни тақдим этиши ҳамда тақдим этилган ахборотнинг ишончилиги учун жавобгар бўлиши;</p> <p>асосий бенефициар мулкдор тугрисидаги маълумотларни ошқор этиши;</p> <p>голиб деб топилган тақдирда, давлат буюртмачиси билан қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва муддатларда шартнома тузиши шарт.</p> <p>Иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси электрон дукон, аукцион, энг яхши таклифларни танлаш ва тендер бўйича айни битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.</p>
3.2	<p>ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:</p> <p>Иштирокчилар қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - шартномани бажариш учун зурур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларнинг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги; - шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик; - солиқлар ва йиғимларни тулаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги; - узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; - Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги; - Балансида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун иссиқхона, мол гўшти сўйиш учун қушхона мавжудлиги
<p>4 ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИНГ ИЖРОЧИСИ</p>	
<p>Давлат харидларининг ижрочиси (бундан бўён матнда ижрочи деб юритилади) харид килиш тартиб-таомиллари якунилари бўйича голиб деб топилган ва узи билан давлат харидлари тугрисида шартнома тузилган иштирокчидир.</p>	
<p>Ижрочи:</p> <ul style="list-style-type: none"> - қонунчилик талабларига риоя этиш; - шартномани унинг шартларига мувофиқ бажариш; - асосий бенефициар мулкдор тугрисидаги маълумотларни ошқор этиши; - шартномани бажариш жараёнида давлат буюртмачисига ёки ваколатли давлат органига 	

унинг сурови буйича тушунтиришлар ва ахборот бериши шарт;
Давлат буюртмачиси зарур булганда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) узига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иштирокчиларга қушимча талаблар белгилашга ҳақли.

5. ТАНЛАШНИ УТКАЗИШ ТАРТИБИ.

5.1 Танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси қуйидагиларни бажариши шарт:

а) танлаш шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган эълон билан танишиш ва танлаш ҳужжатларининг электрон нусхасини олиш (юклаб олиш);

5.2 Танловда қатнашишга рухсат берилмайди:

- қайта ташқиқл этиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида булган
- (буюртмачининг исми) билан суд ёки арбитраж ҳолатида булган
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида булган
- Солиқлар ва йиғимларни тулаш буйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд булган
- шартномани бажариш учун зарур техника, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжуд бўлмаган
- танлов суммасининг 15%идан кам нарх таклиф қилган иштирокчи

6. ТАНЛАШ ТИЛИ ВА УЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

6.1 Танлаш тугрисидаги ахборот давлат тилида эълон қилинади ва тарқатилади. Танлаш тугрисидаги ахборот давлат тили билан бир вақтда бошқа тилларда ҳам эълон қилиниши ва тарқатилиши мумкин. Бошқа тилларда эълон қилинаётган танлаш тугрисидаги ахборотнинг мазмуни давлат тилида эълон қилинган ахборотга мувофиқ бўлиши керак.

7. ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ ВА УНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БЕРИШ ТАРТИБИ

7.1 Иштирокчилар танлашда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва заруриятга қараб, бошқа тилларда тайёрлашга мажбурдирлар. Электрон шаклда танлаш утказиш чоғида танлаш иштирокчиларининг таклифларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тақдим этилади. Таклифда давлат хариди объекти булган товарнинг эскизи, расми, чизмаси, фотосурати ва бошқа тасвири, нусхаси, намунаси бўлиши мумкин.
Танлаш иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тугрилиги учун жавобгар булади.
Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.
Танлаш учун таклифларни қабул қилиш махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда курсатилган муддат келиши билан тугатилади.

8. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАР АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИНИ УЗАЙТИРИШ

8.1 Буюртмачи харид қилиш тартиб-таомилларининг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган таклифларни тақдим этиш муддатларини узайтириши ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари

	таклифларининг амал қилиш муддатини муайян даврга узайтириш тугрисидаги таклиф билан уларга мурожат қилиш ҳ.у.қ.у.қ.а.га эга.
9 ТАНЛАШ БУЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ.	
9.1	<p>Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳ.о.да танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш буйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тугрисида қарор қабул қилишга ҳақли.</p> <p>Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади.</p> <p>Шу билан бирга, эълонда қўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тугрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.</p> <p>Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йул қўйилмайди.</p>
10 ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ ВА МАҲФИЛИКНИ СИР САКЛАШ	
10.1	<p>Буюртмачи ёки давлат харидлари электрон тизими операторининг ходими узининг давлат харидлари ижрочилари ёки ҳар қандай бошқа шахс билан муносабатларида, агар бундай ахборотни ошкор этмаслик давлат ҳавфсизлиги манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса ёки агар бундай ахборотнинг ошкор этилиши қонунчиликка зид бўлса, уларга рўя этилишини таъминлашга монелик қилса, давлат харидлари субъектларининг қонуний манфаатларига зарар етказса ёхуд инсофли рақобатга тусқинлик қилса, агар давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тугрисида қарор қабул қилмаса, ҳ.е.ч бир ахборотни ошкор этишга ҳақли эмас.</p> <p>Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган бундай ахборотни ошкор этиш тугрисида қарор қабул қилган тақдирда, ушбу қарорнинг шартларига рўя этилади.</p> <p>Харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиб, унинг харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиши билан боғлиқ таклифда узи қўрсатган барча маълумотларнинг эълон қилинишига розилик билдиради.</p>
11.2	Шартнома буйича мажбуриятларни бажармаган (мифдорий, сифат ва техник қўрсаткичлар буйича) танлаш ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки тузилган шартнома буйича жавобгар бўлади.
11 ТАНЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР	
11.1	<p>Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш буйича харид қилиш ҳ.у.қ.у.қ.а.ларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.</p> <p>Давлат буюртмачиси томонидан танлаш буйича харид қилиш ҳужжатларида ғолиб шартноманинг шартлари бажарилиши таъминотини тақдим этганидан кейин шартнома тузилишини назарда тутувчи шарт қўйилиши мумкин.</p> <p>Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга зақалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх буйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.</p>
11.2	Иштирокчилар давлат буюртмачисига ёки ушбу буюртмачи томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга муайян давлат харидларининг тартиб-таомиллари, уларни ўтказиш талаблари ва шартлари буйича суровлар бериш ҳамда улардан тушунтиришлар олишга ҳақли.

11.3	Агар танлашда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш муддати тугаган пайтда фақат битта таклиф тақдим этилган ёки бирорта ҳам таклиф тақдим этилмаган бўлса, шунингдек харидлар комиссияси томонидан таклифларнинг танлаш харид ҳужжатлари талабларига мос эмас деб топилган ҳолларда танлаш утказилмаган деб ҳисобланади.
11.4	<p>Давлат буюртмачиси голиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда давлат харидини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Давлат хариди бекор қилинган тақдирда давлат буюртмачиси бундай қарор қабул қилингандан кейин уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизими орқали махсус ахборот порталида мазкур қарорнинг асослантилган сабабларини эълон қилади.</p> <p>Давлат буюртмачиси давлат хариди бекор қилинганлиги учун жавобгар бўлмайди, бундан бекор қилиш давлат буюртмачисининг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибати бўлган ҳоллар мустасно.</p>
11.5	Техник топшириқда товарлар намуна таклифларини топшириш муддати тугагунга қадар ҳар бир товар намунаси иштирокчи томонидан техник баҳолаш учун буюртмачига топширилиши керак. Бундай талаб баҳолаш мезонида қўрсатилади. Техник спецификациялар талабларига техник жиҳатдан жавоб бермайдиган товарлар буюртмачи томонидан қабул қилинмайди. Ушбу ҳолда ёки товарлар намунаси тақдим қилинмаган ҳолларда таклифлар харид комиссияси томонидан қўриб чиқилмайди ва бекор қилинади.